

ЎЗБЕКИСТОН КИНОФОТОФОНО
ХУЖЖАТЛАРИ МИЛЛИЙ АРХИВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН

“ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЖАСОРАТИ ВА

ИНСОНПАРВАРЛИГИ –

ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАРДА”

НОМЛИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ



ТОШКЕНТ 2020

НАЦИОНАЛЬНЫЙ АРХИВ КИНОФОТОФОНОДОКУМЕНТОВ
УЗБЕКИСТАНА

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ

“ГУМАНИЗМ И ЕДИНСТВО НАРОДА
УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ
ВОЙНЫ – В НАУЧНЫХ ОТКРЫТИЯХ”,

ПОСВЯЩЕННОЙ 28-ЛЕТИЮ ПРИНЯТИЯ
КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



ТАШКЕНТ 2020

Мўминжон Ҳаким 1944 йилдан 1953 йилга қадар Сочида ва кейинчалик 1965 йилга қадар Ўзбекистон темир йўллари марказий касалхонасида фаолият кўрсатди. У 1973 йилда Тошкент шаҳрида вафот этди. Васиятига кўра туғилган она шаҳри Марғилонга, ҳозирги Иброҳимжон Довудов номидаги қабристонга ўғли Анваржоннинг (1937-1958) қабри ёнига дафн этилган.

**БУЮК ҒАЛАБАГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН
ЎЗБЕКИСТОНЛИК “ҚУРОЛСИЗ АСКАРЛАР” ҲАҚИДА
(хориж тарихшунослигида)**

Қурбонов Хуриид

***Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси
тарих фанлари номзоди***

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Урал ҳарбий-мудофаа ишлаб чиқарувчи асосий ҳудудга айланди. Чунки Урал фронт учун хизмат қилишга қулай географик жойлашуви ва урушнинг бошланиши давридан оқибатда ишлаб чиқариш инфратузилмасига, яъни саноат маркази ҳамда темир йўллар жойлашган қулай макон эди.

Урушнинг илк икки йилида Россиянинг европа қисмидан 730 та саноат корхонаси эвакуация қилинган эди.¹⁴

Шунга кўра Урал ҳудудларидаги саноат корхоналарига минглаб одамлар эвакуация қилинди, жалб этилди ва меҳнатга ёлланишди. Улар саноат корхоналарида, ишлаб чиқаришда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, мауссасаларда ишлашлари кўзда тутилди ва тўласинча “меҳнат армиячилари”га айлантирилдилар. Эвакуация қилинганларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли сингари турмуш кечирсалар, бошқа бир қисми махсус шароитларида кун кечиришга мажбур бўлганлар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида “меҳнат армиячилари” авваллари ҳарбий қисмларда отрядлар, колонналар, рота ва взводлар шаклида ташкил қилинган бўлиб, улар оддий меҳнаткаш аҳолидан ўзига хос қўриқланиш ва меҳнатга ёлланиш тизими билан фарқланар эдилар.

Кейинчалик ишчилар колонналари ҳарбий комиссариатлар ва ички ишлар томонидан шахсий таркиб сифатида шакллантирилиб, улар эндиликда “ҳарбий хизматчилар мақоми”да гавдаланишган. Аммо, сўроқсиз ва ўз ихтиёри билан чақирув пунктига келмаган ёки қочиб кетишга уринганлар жиноий жавобгарликка тортилиш билан жазоланишлари муқаррар қилиб қўйилган.¹⁵

Турли миллат ва элатлардан таркиб топган меҳнат колонналаридаги ишчилар уруш якунлангунга қадар ишлашлари белгилаб қўйилди ва бу колонналар янги-янги кучлар билан мунтазам тўлдириб борилди.

Тарихий тадқиқотларнинг хулосалари шуни исботламоқдаки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Уралга жалб қилинган “меҳнат армиячилари” 3 тоифага бўлинганлар. Яъни, 1-тоифа “совет-немислари”, 2-тоифа “Ўрта Осиё ҳарбий округидан жалб қилинганлар”, 3-тоифа эса “махсус

¹⁴Урал: век двадцатый. Люди. События. Жизнь. Очерки истории / под ред. А.Дю.Кириллова. Екатеринбург, 2000. – С. 131.

¹⁵ГАРФ. (Государственный архив Российской Федерации) Ф.9414. Оп. 1с. Д.1169. Л. 6-6 об; Гончаров А.Г. Категориальный состав «трудовой армии» на Урале в годы Великой отечественной войны. Вестник Челябинского государственного университета. 2011. № 34 (249). История. Вып. 48. –С.60-64.

кўчкіндилар”. Ушбу тоифа вакиллари “қуролсиз аскарлар” сифатида меҳнат қилдилар ва тарихда ном қолдирдилар.

ВКП(б) Марказий Комитети Сийсий бюросининг 1941 йилнинг 31 августдаги “Украина ҳудудидаги немислар ҳақидаги” қарори билан совет-немислари (*совет иттифоқи ҳудудларида яшовчи немис миллатли аҳоли – Х.Қ.*) “меҳнат армияси”га оммавий жалб қилинган илк халқлар бўлиб тарихга кирди.

Мудофаа халқ комиссарлигининг 1941 йил 8 сентябрдаги № 35105-рақамли директиваси билан Қизил Армия таркибидаги немис миллатидаги халқларни хизматдан озод қилиш белгиланди. Бунга кўра эндиликда бу миллат фуқароларини ички округларга ва қурилиш ҳарбий қисмларга йўналтирилдилар.

Айнан мана шу даврдан бошлаб Уралда илк “меҳнат армиячилари” шакллана бошланди. Уралнинг Свердловск вилоятига - № 390, 1527, 1528, 1529, 1049 – колонналар; Челябинск вилоятига - № 765, 776, 779, 793 – рақамли колонналар жойлаштирилиб, уларнинг катта қисми эса 3 та Меҳнат тузатув лагерларига (МТЛ), яъни Ивдельлаг, Богословлаг ва Соликамлаг лагерларига тақсимландилар.¹⁶

Маълумот учун шуни таъкидлаш лозимки, айнан 1941 йил октябрдан – 1942 йилнинг майига қадар Уралнинг Свердловск, Молотов, Челябинск областларида юқоридаги лагерлар қаторида Тавдинлаг, Бакаллаг, Востураллаг, Тагиллаг лагерларига асос солинди. Ваҳолангки бу ҳудудда 1937-1939 йилларда Ивдельлаг, Севураллаг, Усольлаг, Богославлаг, Соликамлаг лагерлари фаолият кўрсатаётган эди.¹⁷

Қизил Армия таркибидан олиниб, жалб қилинганларнинг 2437 нафари Молотов райони ва Удмуртия Автоном республикасига юборилган.

¹⁶Шульга И.И. Изъятие из рядов Красной Армии виеннослужащих-немцев в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.) // Немцы России в контексте отечественной истории: общие проблемы и региональные особенности. Материалы научной конференции. Москва, 1998 г. М., 1999. –С. 347-358.

¹⁷ Система исправительных лагерей в СССР. 1930-1960: справочник. Москва, 1998. –С. 172, 227, 272, 388, 472, 791.

1942 йилнинг июнь ойида 15 та МТЛнинг 9 тасида сақланаётган 73000 немис миллати вакиллари 43% и Урал минтақасидаги “меҳнат армиячилари”ни ташкил қилган.

СССР Давлат мудофаа комитетининг 1942 йил 14 октябрдаги №2414СС – рақамли қарори билан Ўрта Осиё ҳарбий округидан (ЎОҲО, САО – Среднеазиатский военный округ – таржимаси, -Х.Қ.) 350 минг оддий фуқаролар “меҳнат армиячилари” сифатида Уралга жалб қилиндилар.

1943 йилнинг кузида жалб қилинганларнинг асосий қисми Ўзбекистондан эди. 1943 йилнинг 15 апрелида 67000 меҳнаткаш, яъни ҳудудга жойлаштирилган Ўрта Осиёликларнинг 48,6 % ни ўзбекистонликлар ташкил қилган. Улардан Свердловск вилоятига – 15131 киши, Челябинск вилоятига – 7427 киши, Молотовга – 2212 киши, Чкаловга – 2523 киши, Башқирдистон ССРга – 2357 киши ва Удмуртия ССРга – 2970 киши жойлаштирилган.

Ўзбеклардан ташқари бу ерларда Ўрта осиелик бошқа миллатлар, яъни тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва қozoқлар ҳам бўлган. Бу миллат вакиллари сони 30 мингдан ортиқ бўлган.

1943 йилда уралдаги “меҳнат армиячилари” умумий қисмининг 41,5 % фоизини ўрта осиеликлар ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1943 йилнинг ёзига келиб уларнинг сони 73000 дан ошиб кетади. Ҳудудлар кесимида эса, Чкалов вилоятида -8000 киши, Молотов вилоятида – 12692 киши, Свердловск вилоятида – 27000 дан ортиқ киши, Челябинскда – 20000 дан ортиқ киши, Башқирдистон АССРда – 2500 кишидан ортиқ ва Удмуртияда – 3000 дан ортиқ ўрта осиелик “қуролсиз аскарлар” меҳнат қилишган. 1943 йилнинг кузига келиб эса Ўрта Осиёлик “меҳнат армиячилари”нинг миқдори камайиб, 1944 йилнинг ўрталарида 22000 кишини ташкил қилган¹⁸.

¹⁸РГАСПИ. (Российский государственный социально-политической истории) Ф.644. Оп. 2. Д. 138. Л. 70-74; Антуфьев А.А. Уралская промышленность накануне и в годы Великой Отечественной войны. Екатеринбург, 1992. – С. 266; Оразов К. Рабочий класс Казахстана в годы Великой Отечественной войны. Алма-Ата, 1975. – С. 45; Хусенов К. Патриотический труд рабочих-узбеков на предприятиях и стройках Урала и Сибири в годы Великой Отечественной войны // материалы XXIII научной конференции профессор. состава. Самарканд, 1966. – С.23; Урал-фронту. Москва, 1985. –С.162.

“Меҳнат армиячиларининг” учинчи тоифасига СССРга депортация қилинган, собиқ қулоқлар ва уларнинг оила аъзолари, ишчилар колоннаси таркибидаги махсус кўчирилганлар мисол бўлади.

Уларнинг бошқа тоифадаги “меҳнат армиячилар”дан фарқли томонлари шуки, улар ишчи кучи эҳтиёжига қараб меҳнатга жалб этилган ва бу ҳол то 1943 йилга қадар оммавийлик тус олмаган. 1943 йилда эса улар қурилиш ишларини янада жонлантириш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мақсадида НКВДнинг “Тагилстрой” ва “Усольлаг” ҳудудларидаги йирик қурилишларга жалб қилинган.

1943 йилнинг августида 1150 нафар “меҳнат армиячиси” Бошқирдистон ССР, Свербловск ва Челябинск вилоятларининг корхона ва кўмир саноатида ишлаган. 1944 йилнинг кузида уларнинг миқдори 5170 нафарга етган.¹⁹

Иккинчи жаҳон уруши тугаганлигига 75 йил тўлди, ўша даврнинг кўрқинчли ва жасоратли дамлари ёдимиздан кўтарилаётган, уруш ҳақида яратилган ва яратилаётган манбалар, адабиётлар, кинофильмлар ҳали-ҳамон ўша давр моҳиятини тасаввур қилишга ундайди.

Тарихда бу давр ҳақида ҳали ўрганилмаган “оқ доғлар” борки, улар орасида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўралдаги корхона ва қурилишларда меҳнат қилган Ўрта осиелик ўзбек, тожик, туркман ва бошқа миллат вакиллариининг тақдири тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўрта Осиёлик ишчилар қандай қилиб Уралга бориб қолишди?

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач Уралдаги аксарият кишилар армияга сафларига жалб қилиниб, фронтга жўнатилган. Айни пайтда ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган Россияснинг марказий қисмларидаги кўплаб саноат корхоналари айнан Уралга кўчирилган. Ўралдаги мавжуд бўлган ва

¹⁹ГАРФ. Ф. 9479. Оп.1 с. Д. 110. Л. 36; Д. 128. Л. 14-14 об, 22-22 об, 23-23 об.

кўчирилган саноат корхоналарида ҳарбий ҳаракатлар учун зарур бўладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун табиийки ишчи кучи керак бўлган.

1941 йил 30 июнда СССР Халқ комиссарлари советида ишчи кучларни ҳисобга олиш ва тақсимот қилиш бўйича комитет ташкил қилинди.

Оренбурглик тадқиқотчи К.А.Моргунов ўзи мақоласида куйидагиларни баён қилади: “СССР ХКС нинг 1941 йил 23 июлдаги “Республика ва вилоятлар Ижроия Комитеталарининг ХКСларига ишчи ва меҳнаткашларни бошқа ишларга ўтказиш ҳуқуқини бериш тўғрисида”ги қарори қабул қилингач, маҳаллий ҳукумат органларининг ишчилар синфини идоровий ва географик ҳолатидан қатъий назар идора қилиш имконияти яратилди, жойларда аҳолининг ишга яроқли бўлган ишсиз кишиларни рўйхатга олиш ва уларни ҳарбий саноат ишлаб чиқаришга сафарбар этиш бўйича махсус бюролар ташкил қилинди.”²⁰

Шу ўринда эркин ишчи кучини Ўрта ОСиёдан олиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилди. 1941 йилнинг кузидаёқ мудофаа халқ комиссарлари раҳбарлигида қурилиш батальонлари ва ишчилар колонналари ташкил қилина бошланди. Уларга ҳарбий хизматга яроқсиз, ёки катта кишилар ҳарбий мажбуриятга сафарбар этилдилар. Хизмати ҳарбийларга тенглаштирилган “меҳнат армиячилари” отрядлари ишчи бригадалари ҳам шаллантирилиб, уларга ўзлари орасидан ёши катта ва ҳурматга эга бўлганлар етакчилик қилишган.

Бир нечта отрядларга миллий республикалардаги партия вакиллари сиёсий комиссарлар (политкомиссар) ёки сиёсий раҳбарлар (полтирук) бошчилик қилишиб, колонналарга бирлаштирилди.

Чақириқ шу қадар “ўта шошилиш” тартибида ташкил қилинди. Ҳатто йирик эшелонлар 3 кун ичидаёқ ташкил қилинди ва биринчилардан бўлиб 1700 кишини ўз ичига олган эшелон Тошкент ҳарбий комиссариатидан Бошқирдистон АССРга қараб йўл олган.

²⁰Моргунов К.А. // Рабочие из республик Средней Азии на предприятиях и стройках Южного Урала в годы Великой Отечественной войны. «Этнопанорама», 2008. –Б. 3-4

Шошма-шошарлик билан узоқ ва совуқ ҳудудларда юборилган меҳнаткашларга иссиқ кийим-бош ва оёқ кийимини беришга улгуришмаган. Тўғрироғи, оссиқ кийимларни борган заводлардан берилиши айтилган бўлса, заводлар эса йиғув пунктларидан берилиши кераклигини таъкидлашган. Бунинг натижасида совуқ ўлкаларга келган меҳнаткашлар устларида енгил кийимлар ва бошларида эса дўппилари билан қолишган. Меҳнат армиячилари Сиёсий етакчиларнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда урал халқининг бағрикенглиги билан фронтга кетган турмуш ўртоқлари ва ака-укаларининг қолган кийим-бошлари билан таъминлаш муаммолари аста-секинлик билан ҳал қилинган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларидан меҳнат армиячиларининг Урал ҳудудларига келиши 1941 йилнинг охирларига тўғри келади. Уларнинг катта қисми 1942 йилнинг кузи ва 1943 йилнинг баҳорида юборилган. Меҳнат армиячиларининг, тўғрироғи “меҳнат кўчкдилари”нинг катта миқдорда юборилганлигини биргина Ўзбекистон мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, 1941-1943 йилларда 155 минг ўзбекистонлик меҳнатга сафарбар қилинган эди.

1943 йилнинг 15 апрелдаги маълумотларга қараганда Уралнинг иқтисодий районлари бўлган Бошқирдистон АССР, Удмуртия АССР, Молотов (Перм), Курган, Чкаловск (Оренбург), Свердловск, Челябинск вилоятларига 32620 нафардан ортиқ ўзбек ишчилари меҳнат қилишган. Жумладан Свердловск вилоятида – 15131 нафар ўзбе меҳнат қилган бўлса, Челябинскда – 20 минг, Чкаловскда – 8 минг, Башқирдистонда – 3 минг ўрта осиелик меҳнат қилган.

Тадқиқотлар шуни исбот қилдики, ўрта осиелик меҳнат армиячиларининг аксарияти қишлоқ деҳқонлари бўлган. Рус тилини билмаслиги ва совуқ ҳавога мослашмаганлиги сабабли кўп қийинчилик ва машаққатларни бошидан кечирган. Яшаш шароитларининг оғирлиги ва ўзларининг экирган кийимларида ишлашлари оқибатида ниҳоятда азоб-укубат чекканлар.

Очарчилик, озиқ-овқат танқислиги, оғир меҳнат, турар жойларнинг нобоплиги, изғирин совуқ ва бошқа кўплаб сабаблар туфайли меҳнат армиячиларининг кўп қисми ҳалок бўлган. Кейинчалик Ўзбекистон ва Тожикистондан озиқ-овқат маҳсулотлари юкланган эшелонлар юборила бошланган.²¹

Удмуртиялик тадқиқотчи Т.С.Третьяковнинг тадқиотларида уруш йилларида меҳнат армиячилари сифатида №51-рақамли трестга сафарбар қилинган ўзбеклар Бухоро ва Термиз ҳудудларидан бўлишган. Улар турли ёшда бўлиб, шу жумладан чорвадор, косиб, нонвойдан тортиб ўт ўчирувчигача турли касб кор эгалари бўлишган.

“- Менинг отам, - дейди Уралмаш заводининг собиқ ишчиси Владимир Семеновский, - Алексей Васильевич Семеновский Уралмаш заводида ўн тонналик прессда темирчи бўлиб ишлаган. Унинг қўл остида кўплаб ўзбеклар ёрдамчи сифатида ишлаган. Улар завод ошхонасидан бериладиган овқатни ейишмаган, ўзлари ҳам юпун кийинишган. Оғир меҳнат ва кам овқатланишдан вафот этган кўплаб ўзбекларнинг ёнларидан тўпланган пуллар топилган. Бунинг сабаби, улар меҳнат қилиб топган ҳалол меҳнатлари пулларини кейинчалик уйларига, оиласига олиб боришни орзу қилишган эди.”

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Свердловск заводидаги ишчилар ҳолати ўрганган Урал давлат университети тадқиқотчи Вера Соловьёванинг таъкидлашича Уралмаш заводида сафарбар қилинган Ўрта осиеликлар ҳақидаги ҳужжатларда ўзбеклар ва тожикларнинг балиқ, колбаса, кўзиқорин, шўр карам емасликларини таъкидлаган. Ваҳоланки, овқат фақат шу маҳсулотлардан тайёрланар эди. Ҳолат шу даражага етганки, оғир меҳнат қилишига қарамасдан оиласини ўйлаб, ҳатто иккинчи овқатни ҳам емасдан бошқаларга сотиб, пул тўплашга ҳаракат қилганларга кейинчалик қўлларига умуман овқат берилмаган.

²¹Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. 1941-1945. Китоб-альбом. Тошкент: Ўзбекистон, 2020 йил. –Б. 180.

Овқатланишдан бош тортиш, оғир меҳнатга яроқсизлик ва умуман бу каби ҳолатларнинг кўпайиб бориши ўрганилганда ўрта осиелик меҳнаткашларнинг маҳаллий маҳсулотлардан қилинган овқатларини месаликларига сабаб бу овқатлан мусулмончилик қоидаларида ислом динида ейиш ман қилинган маҳсулотлардан иборат эканлиги аниқланган. Чунончи, мусулмон аҳоли тайёрланадиган овқат таркибида исломда ман қилинган чўчка гўшти бор деб қўрқишар экан.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари ўз ватандошари бўлган ишчилар учун алоҳида озиқ-овқат бригадалари ташкил қилишиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш шароитларини йўлга қўйишган. Эндиликда кўплаб саноат корхоналарида ўзбек миллий таомларини тайёрланадиган бўлган. Уралмаш худудида, шунингдек Удмуртиядаги №51-трест худудларида ҳам ўзбекона чойхоналар, ҳатто Орскада 10 та шарқона услубдаги чойхона пайдо бўлган.

Аммо, ҳамма жойда ҳам бу каби қулай шароитлар бўлмаган. Аксарият ишчилар бошқа миллат вакиллари билан баракларда, совуқ қотиб кун кечиришган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўрта осиеликлар турмуш тарзида ислом дини ақидалари устунлик қилган. Оғир иш шароти, кучли ва қатъий назорат ва меҳнатнинг кўплиги сабабли ҳамма мусулмон ишчилар ҳам ислом арконларини бажаришга имкон топа олишмаган.

Ўрта осиелик, жумладан ўзбек мусулмонлари оғир меҳнат шароитларида вафот этган юртдошларини дафн қилишда айрим муаммоларга дуч келишган. Чунки, маҳаллий худуд эътиқодларидан фарқли ўлароқ майитни кафанлаш масаласида тоза мато топиш муаммо ва қиммат бўлганлиги сабабли улар ётоқларидаги тўшақ устига ташланадиган тоза матодан фойдаланишган. Бу эса айрим ўзаро низоларга сабаб бўлган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўрта Осие ва Қозоғистондан мамлакатнинг Урал, Жанубий Урал, Бошқирдистон, Челябинск ва бошқа худудларига юз минглаб кишилар меҳнат фронтига

жалб этилди. Улар мислсиз оғир қийинчилик ва очарчилик шароитида фронт талабини қондириш, душман устидан ғалаба қозониш учун қурол-аслаҳа, ўқ-дори, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда улкан қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Профессор Ҳамид Зиёев ҳам тадқиқотлари ва бошидан кечирган хотираларида ҳам “меҳнат армиячилари” ҳақидаги сатрларни ўқиш мумкин. Жумладан: “Ўзбекларнинг талай қисми “ишчи батальони”га – Россияга сафарбар қилинди. Уларнинг орасида 16 ёшдан ошган ва ҳунар билим юртини тамомлаган ёшлар ҳам бор эди. 1943 йилга тегишли маълумотда кўрсатилишича, “Ишчи батальони”дагиларнинг сони 155 минг кишидан иборат бўлган. Уларнинг ёши асосан 40-50 ва ундан ҳам ортиқроқ эди. кўпчилиги қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, рус тилини билмаслиги ва совуқ ҳавога мослашмаганлиги сабабли кўп қийинчилик ва машаққатларни бошидан кечирган. Яшаш шароитларининг оғирлиги ва ўзларининг экирган кийимларида ишлашлари оқибатида ниҳоятда азоб-уқубат чекканлар.

“Ишчи батальони”даги кишлар Урал, Караганда, Куйбишев, Саратов, Горький, Омск, Новосибирск, Москва, Тула, Ярославль, Красноярск, Хабаровск, Кемерово, Челябинск, Свердловск, Пермь, Иркутск, Архангельск, Бошқирдистон, Татаристон, Удмуртия ва бошқа жойлардаги саноат корхоналари ва конларда ярим оч ҳолда меҳнат қилганлар. Ҳамюртларимизнинг қанчаси она юртидан узоқ жойларда қанфасиз кўмилганлар.”²²

2020 йилда Ўзбекистонда нашр қилинган китоб-альбомда келтирилишча, ҳақиқатдан ҳам 1941-1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган.²³

1943 йили РСФСРнинг 14 область, 4 автоном республикаси ва Красноярск ўлкасида 60 минга яқин ўзбеклар ишлаган.

²²Қаранг: Зиёев Ҳ. Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар. Мардлик мактаби. Тошкент: “O'qituvchi”, 2019. – Б.18-23.

²³Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. 1941-1945. Китоб-альбом. Тошкент: Ўзбекистон, 2020 йил. –Б. 180-181.

Урал ва Красноярскда фидокорона меҳнат қилганишчилар орасида Ақром Ортиқов режани 140 фоизга, Рустам Турдиев, Ҳасан Тўхтабоев 150 фоизга, Убайдулла Ҳайдаров 200 фоизга бажарган. Ўзбекистонлик Мардон Носир ва Мамат Эргашевнинг меҳнатдаги жасоратлари “За тяжелое машиностроение” газетасида ёритилган.

Уруш йилларида Архангельскда меҳнат фронтида хизмат қилган Райимкул Назаров “За доблестный труд” медали билан тақдирланган.

Иркутск областидаги 4-қурилиш трестининг 47-бригадасида ўзбек ишчиларидан 43 нафари 1943 йилги режани ортиғи билан бажарган.

Мақоми ҳарбий аскарга тенглаштирилган “Қуролсиз аскарлар”имиз ҳақиқий меҳнат кучи, ақлу заковати ва ватанга бўлган муҳаббати туфайли Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага муносиб ҳисса қўшганлар.

Эндиликда ана шу юртдошларимиз тарихи ва тақдирини ўрганиш ва тарих зарварақларига битиш биз тақризчиларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЖАНГЧИЛАР ПАРТИЗАНЛИК

ҲАРАКАТИ ТАРКИБИДА

(Ғанитой Тошнӣёзов мисолида)

Қосимов Миржалол Равшан ўғли

“Шон-шараф” музейи

катта илмий ходими

Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари бошига мислсиз кулфат ва йўқотишлар олиб келди. 1941 йилда Германиянинг собиқ Совет давлатига ҳужум қилиши натижасида, собиқ Иттифоқнинг бир бўлаги сифатида Ўзбекистон ҳам ушбу қирғинбарот урушга домига тортилди. Уруш йилларида 1 млн 951 мингга яқин ўзбекистонликлар тўғридан-тўғри уруш